

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ
ЗАНЖИРИДА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Юсупов Муҳиддин Соатович -

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти*

Исмоилова Гулчиroy Толлибой қизи -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш занжирида кластерлар ва бошқа интеграцион тузилмаларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш орқали барқарор озиқ-овқат таъминотига эришиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: озиқ-овқат таъминоти, озиқ-овқат хавфсизлиги, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, агрокластер, қайта ишлаш саноати, илғор технологиялар, диверсификация, интеграция, рақобатбардошлик.

УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ
ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕПОЧКЕ ПРОИЗВОДСТВА И ПРОМЫШЛЕННОЙ ПЕРЕРАБОТКИ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

Юсупов Муҳиддин Соатович -

*Доктор философии по экономическим наукам (PhD), докторант
Ташкентского государственного экономического университета*

Исмоилова Гулчиroy Толлибой қизи -

*Докторант Ташкентского государственного
экономического университета*

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы устойчивого продовольственного обеспечения и укрепления продовольственной безопасности на основе развития и совершенствования организационно-экономических механизмов кластерных и других интеграционных структур в цепочке производства, промышленной переработки и реализации сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: продовольственное обеспечение, продовольственная безопасность, первичная и глубокая переработка, цепочка добавленной стоимости, агрокластер, обрабатывающая промышленность, передовые технологии, диверсификация, интеграция, конкурентоспособность.

STRENGTHENING FOOD SECURITY BASED ON THE DEVELOPMENT OF INTEGRATION IN THE
PRODUCTION AND INDUSTRIAL PROCESSING CHAIN OF AGRICULTURAL PRODUCTS

Yusupov Mukhiddin Soatovich -

*Doctor of Philosophy in Economics (PhD),
doctoral student of Tashkent State University of Economics*

Ismoilova Gulchiroy Tolliboy kizi -

Doctoral student of Tashkent State University of Economics

Abstract: The article examines the issues of strengthening food security and sustainable food supply based on the development and improvement of organizational and economic mechanisms of cluster and other integration structures in the chain of production, industrial processing and sale of agricultural products.

Keywords: food supply, food security, primary and deep processing, value chain, agrocluster, processing industry, advanced technology, diversification, integration, competitiveness.

Кириш. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш муаммолари ҳозирги кунда энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (FAO) кўра, глобал инқироз ва пандемияга таъсирида жаҳон озиқ-овқат етказиб бериш занжирида

узилишлар юзага келиб, тизимда беқарорликни келтириб чиқармоқда ва оқибатда камбағал, қашшоқ аҳолига катта зарар етказмоқда. Бу айниқса озиқ-овқат таъминотининг муқобил манбаларига эга бўлмаган мамлакатларга катта хавф туғдирмоқда [1].

Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бар-

қарор таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда чуқур қайта ишлаш занжирини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсганига қарамай, уларни sanoat усулида чуқур қайта ишлаш даражаси пастлигича қолмоқда. Хусусан, “мамлакатда йилига 20 миллион тонна мевасабзавот етиштирилади. Лекин уларни sanoat усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли ҳосилни йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилмоқда. Бу соҳадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса, озиқ-овқат sanoatини янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мумкин” [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат sanoatини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4821-сонли, 2020 йил 18 мартдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли, 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат sanoatини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4406-сонли Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да ва бошқа меъёрий ҳужжатларда: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат sanoatини ривожлантириш; ички ва хорижий инвестициялар жалб этиш эвазига қайта ишлаш sanoati корхоналарини қуриш ва мавжудларини модернизациялаш; юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш; қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг қайта ишлаш sanoati корхоналари (шу жумладан кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн. тонна қувватлар яратиш ва маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичини 30 %га етказиш; умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушини 40 %гача ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Пандемия туфайли юзага келган глобал инқироз озиқ-овқат таъминоти ва ҳавфсизлиги-

ни таъминлашга бутунлай янгича ёндашувни талаб этмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хўл, дастлабки ва чуқур қайта ишланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, бу тизимда қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш масалалари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш занжирида интеграциялашув жараёнларини ривожлантириш орқали озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳамда озиқ-овқат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш йўналишида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Баъзи олимларнинг таъкидлашича, озиқ-овқат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат сектори самарадорлигини ошириш учун аграр сектор ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўртасида мустаҳкам интеграцион алоқаларни йўлга қўйиш зарур. Хусусан Н.В. Кандауровага кўра, “интеграцион жараёнларнинг ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган жараёнларни ўзида бирлаштирган тузилмалар бозор иқтисодиёти шароитларига кўпроқ мослашувчан ва самарали саналади” [3, -3 б.].

А.М.Фақовнинг таъкидлашича, “аграр сектор ва қайта ишлаш sanoatининг ривожланиш истиқболлари тармоқлараро вертикал ва горизонтал интеграцион тузилмаларни шакллантиришга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу соҳаларда интеграциялашув жараёнларини чуқурлаштириш мавжуд ресурсларни жамлаш орқали синергетик самарани юзага келтиради ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўлида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини оширади” [4, -2 б.].

Т.Н.Алешинанинг фикрича, “агросаноат интеграцияси ва кооперация агросаноат мажмуасини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири саналади” [5, -3 б.].

Ғ.Ғ. Ибрагимовнинг эътирофи этишича “озиқ-овқат sanoatининг барқарор ўсиши ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун учун давлат, sanoat бирлашмалари ва уюшмалари, қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш корхоналари каби барча манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб этилади” [6, -104 б.].

М.С. Юсуповнинг таъкидлашича, “ишлаб чиқариш кучларининг тинимсиз ривожланиши, фан-техника ва технологияларнинг юксак таъриқоти ҳамда халқаро глобаллашув жараёнлари таъсирида иқтисодиётнинг турли тармоқ-

лари ўртасида интеграцион алоқалар чуқурлашиб бормоқда. Бундай алоқалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш ҳамда сотиш жараёнларини ўз ичига олган АСМда бошқа соҳаларга нисбатан ёрқинроқ намоён бўлади” [7, -14 б.].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш занжирида интеграцион тузилмаларни шакллантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари Ўзбекистонда етарлича ўрганилмаган соҳа бўлиб, бу борада Муродов Ч., Хасанов Ш., Муродова М.Ч., Эшонкулов С., Урдушев Х., Мамасолиев Г.М., Толипова Б.Ф., Сабиров Х.Н., Юсупов М.С. ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин [8, -19-25 б.; 9, -17 б.; 10, -11 б.; 11, -11 б.; 12, -6 б.; 13, -17 б.].

Тадқиқот методологияси. Барқарор озиқ-овқат таъминоти ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш занжирида интеграцион муносабатлар соҳасида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абстракт ва аналитик мушоҳада, норматив ва позитив таҳлил, қиёсий ва омилли таҳлил, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO UN), Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий тадқиқот муассасаларининг ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси. Глобал озиқ-овқат таъминоти ва очликни бартараф этиш муаммолари ҳар доим жаҳон ҳамжамиятининг эътиборда бўлиб келган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йилдаёқ “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш”ни 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг 2-чи мақсади сифатида эътироф этган [14].

FAO (БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти), IFAD (Қишлоқ хўжалиги ривожланиши халқаро жамғармаси), UNICEF (БМТнинг Халқаро болалар фонди), WFP (Жаҳон озиқ-овқат дастури) ва WHO (Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти) томонидан 2021 йилда биргаликда эълон қилинган ҳисоботда таъкидланишича, “жаҳонда 2020 йилда 720 дан 811 миллионгача киши очликдан жабр кўрган бўлиб, бу

2019 йилга нисбатан 161 миллионга кўп демакдир. 2020 йилда 2,37 млрд. киши етарли миқдорда озиқ-овқат истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмаган ва бир йил ичида уларнинг сони 320 млн.га кўпайган; дунёнинг бирорта худуди озиқ-овқат етишмовчилиги муаммосини четлаб ўтолмаган; соғлом овқатланиш рационини қийматининг қимматлиги камбағаллик ва даромадлар нотенглиги юқори бўлган шароитда ер юзи бўйлаб деярли 3 млрд. инсонлар учун озиқ-овқат муаммосини юзага келтирмоқда [15, -5-6 б.].

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳам энг долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. “BUYUK KELAJAK” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти экспертлари маълумотларига кўра, 2016 йилда “Ўзбекистонда тўйиб овқатланмасликни тарқалиши жамига аҳолига нисбатан 6,3 фоизни ташкил этган бўлиб, 1,9 миллион кишини қамраб олган ва бу ғарб давлатлари, Туркия ва Россияга нисбатан 2-3 баробар юқори демакдир. Болалар учун А витамини етишмаслиги 53,1, катта ёшдагилар учун эса 38,4 фоизни ташкил этган” [16, -106-113 б.].

Кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикаимиз Глобал очлик индексида (GHI) ўз позициясини яхшилаб бориб, 2020 йилда 107 мамлакат ичида 51-ўринни эгаллади ва 6,7 балл билан очлик даражаси паст бўлган мамлакат деб эътироф этилди [17].

Аграр сектор ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи озиқ-овқат саноати республикада озиқ-овқат таъминотининг асосий манбалари сифатида қаралади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган озиқ-овқат саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу тармоқ аҳолига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чуқур қайта ишланиши республикаимиз учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Республикаимизда озиқ-овқат саноати ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш бу тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётига муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Маълумотларга кўра, 2016-2020 йиллар оралиғида республикаимизда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш қиймати 2020 йил нархларида 38757,8 млрд. сўмдан 42 388,32 млрд. сўмга ёки 1,1 мартага ўсган. Таҳлил этила-

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

ётган даврда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсган бўлишига қарамай, тармоқнинг жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги салмоғи 24,9 дан 13,9 фоизга қисқарган. Бу қисқариш

саноатнинг бошқа тармоқлари ривожланиши таъсирида юз берган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 2016-2020 йиллар оралиғидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|
| Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қиймати, 2020 йил нархларида, млрд. сўм | 38757,8 | 37052,5 | 35162,8 | 38995,6 | 42388,2 |
| Озиқ-овқат саноатининг жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги салмоғи, %да | 24,9 | 19,7 | 13,3 | 13,9 | 13,9 |
| Озиқ-овқат саноати маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан йиллик ўсиш суръатлари, %да | 112,3 | 95,6 | 98,5 | 110,9 | 108,7 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2017-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан 1,5-4,4 фоизга пасайган бўлсада, 2020 йилда йиллик ўсиш суръати 8,7 фоизни ташкил этган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 2016-2020 йиллар давомида 45,5 дан 33,6 фоизга камайган.

Республикамиз уй хўжаликлари томонидан 2016-2020 йилларда аҳоли жон бошига

Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўртача йиллик миқдори аксарият маҳсулот турлари бўйича барқарор бўлган. Жумладан, нон ва нон маҳсулотлари, картошка, сабзавот ва полиз, мева ва резаворлар, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва шакар истеъмол қилиш ҳажмлари барқарор ўзгармасдан сақланиб қолган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари томонидан аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўртача йиллик миқдори*, (уй хўжаликларини танланма кузатиш маълумотлари асосида) кг

| Кўрсаткичлар | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2020 й. 2016 й.га нисб., %да |
|---------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|------------------------------|
| Нон ва нон маҳсулотлари | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 100,0 |
| Картошка | 56,4 | 55,2 | 56,4 | 56,4 | 56,4 | 100,0 |
| Сабзавот ва полиз | 277,2 | 277,2 | 278,4 | 278,4 | 278,4 | 100,4 |
| Мева ва резаворлар | 148,8 | 145,2 | 150,0 | 148,8 | 148,8 | 100,0 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 44,4 | 43,2 | 43,2 | 43,2 | 43,2 | 97,3 |
| Сут ва сут маҳсулотлари | 279,6 | 270,0 | 272,4 | 272,4 | 273,6 | 97,8 |
| Ўсимлик ёғи | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 100,0 |
| Тухум, дона | 214 | 215 | 217 | 216 | 218 | 101,9 |
| Шакар, қандолатни қўшиб | 32,4 | 31,2 | 32,4 | 33,6 | 32,4 | 100,0 |

**) уйдан ташқаридаги истеъмолни қўшмаган ҳолда*

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

Аммо, шу оралиқда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотлари бўйича 2,2-2,3 фоиз камайиш кузатилган. Бу ҳолат чорва моллари учун озуқа таъминоти етишмаслиги ҳамда қўшни Қозоғистон Республикасидан чорва моллари импорт қилиш ҳажми қисқариши билан изоҳланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида чуқур қайта ишлаш талаб даражасида эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати-

ни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4406-сонли фармонида республика бўйича 2018 йилда мева-сабзавотларни қайта ишлаш даражаси жамига нисбатан 13,2, гўштда 19,0 ва сутда 14,2 фоизни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур фармонда 2021 йил якунига келиб қайта ишлаш даражасини сабзавотлар бўйича 20,2, мевалар бўйича 31,7, узум бўйича 35,9, гўшт бўйича 29,0 ва сут бўйича 26,7 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Аммо белгиланган мақсадли индикаторларни амалга ошириш учун тизимли ёндашган ҳолда тармоқда мавжуд барча имкониятлар ва

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

ресурсларни тўлиқ ишга солиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатининг барқарор ривожланишига қуйида келтирилган бир қатор омиллар кучли таъсир кўрсатади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражаси пастлигига республикада замонавий технологиялар билан қуролланган қайта ишлаш корхоналари сонини етарли эмаслиги таъсир кўрсатади. Қолаверса бу борада мавжуд қувватлардан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас (масалан, узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2017 йилда 45,0 фоизни ташкил этган) [18, -113 б.]. Зеро, қайта ишлаш даражаси паст бўла туриб, қайта ишлаш саноатини барқарор ривожлантириш асосида озиқ-овқат

хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш имкониятлари чекланиб қолади.

Иккинчидан, республиканинг табиий-иқлим шароитлари қайта ишлаш корхоналарини йил давомида янги узилган хомашё билан барқарор таъминлаш имконини бермайди. Хомашёни бир маромда сақлаш имконини берувчи совуткичли омборлар тизимини яхши ривожланмаганлиги ҳамда уларни узоқ вақт давомида сақлаш харажатларининг таннархни ошириб юбориши тайёр маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида чуқур қайта ишлаш даражасининг паст даражада қолаётганига тармоқ корхоналаридаги асосий воситаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноатида асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг ҳаракати динамикаси

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 й. 2016 й.га нисб., ф. п. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|--------------------------------------|
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эскириши даражаси, %да | 41,2 | 41,6 | 39,0 | 36,6 | 34,3 | - 6,9 |
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг янгилиниши даражаси, %да | 18,4 | 20,6 | 26,7 | 24,8 | 24,4 | + 6,0 |
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг чиқиб кетиш даражаси, %да | 5,3 | 7,3 | 7,0 | 4,1 | 7,5 | + 2,2 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган

Келтирилган 3-жадвал маълумотларига кўра, 2016-2020 йилларда озиқ-овқат саноатида асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эскириш даражаси 41,2 дан 34,4 фоизга (-6,9 ф.п.) пасайгани ҳолда, уларнинг янгилиниш коэффициентини 18,4 дан 24,4 фоизга ошган (+6,0 ф.п.), чиқиб кетиш коэффициенти эса 5,3 дан 7,5 фоизга ошган (+2,2 ф.п.) ташкил этган кўриш мумкин.

Гарчи 2016-2020 йилларда озиқ-овқат саноатида асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эскириш даражаси қисқариб борган бўлсада, ишлаб чиқаришга тааллуқли воситаларнинг ҳамон учдан бири эскириб, унумдорлиги тушиб кетганини, улар ҳозирги технологиялар ва модернизациялаш даврида секин янгиланаётганини кўриш мумкин. Ваҳоланки, фан-техника юксак тараққиёт фазасига кирган ва инновацион технологиялар муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги даврда бу кўрсаткичлар озиқ-овқат саноатини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун етарли эмас. Натижада озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсат-

кичлари ва қадоқланиши, товар кўриниши бўйича ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлиши мушкул.

Тўртинчидан, озиқ-овқат саноати корхоналарида юқори унумли, энергия сиғими паст ва ресурс тежамкор замонавий инновацион технологиялар етишмайди. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган кўпчилик озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришнинг материал сиғими юқорилиги (2019 йили тармоқ бўйича жами ишлаб харажатларида моддий харажатлар салмоғи 82,2 фоизни ташкил этган [18]) оқибатида маҳсулотлар таннархини пасайтириш имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Бешинчидан, кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони ошиб бормоқда. Хусусан, 2016-2019 йилларда тармоқдаги зарар кўрган корхоналар сони 1316 дан 3918 бирликка, кўрилган зарар қиймати эса 70,82 дан 541,64 млрд. сўмга ёки 7,6 мартага ошган (4-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхоналар

| Йиллар | Зарар кўрган корхоналар сони, бирлик | Зарар миқдори, млн. сўм |
|---------|--------------------------------------|-------------------------|
| 2016 й. | 1316 | 70,82 |
| 2017 й. | 2039 | 199,5 |
| 2018 й. | 2259 | 243,84 |
| 2019 й. | 3198 | 541,64 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги уларнинг тўлов қобилиятига кучли таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда тармоқда корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Жумладан, 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсу-

лотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги 471,6 дан 2310,1 млрд. сўмга ёки 389,8 фоизга, кредиторлик қарздорлиги эса 900,1 дан 3137,4 млрд. сўмга ёки 248,6 фоизга ошган (5-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари динамикаси, (йил охирига, млрд. сўмда)

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 й. 2016 й.га нисб., %да |
|-------------------|---------|---------|---------|---------|---------|------------------------------|
| Дебиторлик қарзи | 471,6 | 783,2 | 869,9 | 1856,9 | 2310,1 | 489,8 |
| Кредиторлик қарзи | 900,1 | 1103,4 | 1958,5 | 2298,9 | 3137,4 | 348,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

Табииyki дебитор ва кредитор қарздорликнинг бу даражада ошиб бориши тармоқ корхоналарининг айланма маблағларга бўлган талабини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмда қондиришга салбий таъсир кўрсатиб, нотўловлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган омиллардан ташқари қайта ишлаш техник стандартлари ва талабларига мос келувчи хомашё ва маҳсулотларнинг етишмаслиги, тайёр маҳсулотларнинг сифати ва дизайни халқаро сифат стандартларига мос келмаслиги ҳам тармоқни барқарор ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллар сирасига киради.

Кейинги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-4406-сонли қарорида республиканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси-даги салоҳиятини янада юксалтириш, тармоқ-нинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ва замонавий технологияларни жорий этиш бо-расида йирик ва муҳим чора-тадбирлар белги-лаб берилди. Жумладан: қиймати 2 303,0 млрд. сўмлик, қуввати 876,2 минг тонна бўлган 174 та лойиҳа инвестицион лойиҳаларни амалга оши-риш; сифатли хомашё ҳажмини ошириш учун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туман-лардаги самарасиз боғлар ўрнида 36 019 га ин-тенсив боғлар барпо этиш; озиқ-овқат саноати соҳасидаги жами 726 та халқаро сифат стан-дартларни қабул қилиш ва бошқалар.

Бу вазибаларни амалга ошириш ҳамда қонунчиликда соҳа корхоналари учун кўзда тутилган имтиёз ва субсидиялар тамроқни истиқболда барқарор ривожлантиришга имкон беради. Аммо фикримизча, қишлоқ хўжалиги хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш тизимида юқори қўшилган қиймат занжирини шакллантириш орқали озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳамда тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Кейинги йилларда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжалиklarини шакллантиришга катта эътибор қаратилди. Бироқ, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarига бириктирилган ер майдони ҳажмини етарлича деб бўлмайди. Масалан, 2019 йилда республика бўйича сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarининг ўртача ер майдони 11,4, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашганлариники эса 13,7 гектарни ташкил этган [20, -1 б.].

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг “кўлам самараси” маҳсулот таннархига (ўртача харажатларга) ва иқтисодий самарадорликка кучли таъсир кўрсатади. Бу назарияга кўра, узоқ муддатли ораликда маҳсулот бирлигига нисбатан ўртача харажатларни камайтириш ва фойдани максималлаштириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини маълум чегарагача ошириб бориш талаб этилади. Яъни, бунда жами ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига нисбатан маҳсулот ҳажмини ошиш суръатлари юқорилиги таъсирида маҳсулот бирлигига нисбатан ўртача харажатлар пасайиб бориб, “ижобий кўлам самараси” юзага келади [21, -231 б.].

Кўп ҳолларда йирик ишлаб чиқариш кичик ҳажмли ишлаб чиқаришга нисбатан бир қатор устунликларга эга бўлади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, мева-сабзавотларни қайта ишлашда “замонавий корхона рентабелли бўлиши учун мавсум давомида камида 5 минг тонна мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаши лозим. Ундан кам миқдордаги хомашёни қайта ишлаш фойдали эмас. Ўртача ҳосилдорлик 25 тонна/га бўлганда бундай корхона 200 гектар майдоннинг ҳосилини қабул қилиб олишга қодир бўлади. Жуда кўп турдаги саноат жиҳозларининг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 150-600 тонна хомашёни қайта ишлашга етади [22, -78 б.]. Агар 2019 йилда мева ва резаворларнинг республика бўйича ўртача ҳосилдорлиги гектарига 11,9 тонна (узумда 15,3 тонна) эканлигини эътиборга олсак, кўп тармоқли фермер хўжалиги ўз-ўзини сифатли хомашё билан таъминлаши учун 420 гектар боғ майдонига (узумчиликда 326 гектар) эга бўлиши лозимлигини кўраимиз.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиги учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи йирик ишлаб чиқаришни ташкил этиш оғир кечиши мумкин. Республика миқдорида 2019 йили мева ва резаворларнинг 58,2, узумнинг 55,3 ва сабзавотларнинг 66,7 фоизи деҳқон ва томорқа хўжалиklари томонидан етиштирилди. Аммо уларнинг ўртача ҳажми

1 гектардан ошмайди. Бу мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳар бир фермер, айниқса, деҳқон хўжалиги қайта ишлаш учун ўз қувватларига эга бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини англатади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги қандай асосда амалга оширилиши лозим деган савол пайдо бўлади.

Кичик ҳажмли бу хўжалиklar қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга қодир эмасликлари сабабли, етиштирилган маҳсулот асосан янги узилган ҳолида деҳқон бозорлари орқали реализация қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги узилган ҳолида (хўл мева-сабзавотлар шаклида) сотиш деҳқон ва фермерларни етарлича даромад билан таъминлаши гумон. Маҳсулотларни “етиштириш-сақлаш-қайта ишлаш-сотиш” занжирида асосий фойдани хомашё етказиб берувчилар эмас, балки тайёрлов, қайта ишлаш ва сотиш бўғинидаги фирмалар олади. Шу сабабдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалиklar ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорликка асосланган чуқур ва мустақкам интеграцион алоқаларни кучайтириш зарурати юзага келмоқдаки, бундай интеграциялашувдан ҳам фермер ва деҳқон хўжалиklари, ҳам қайта ишлаш саноати корхоналари манфаат кўради.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш занжирида интеграцион алоқаларни ривожлантириш йўналишларидан бири – бу фермер ва деҳқон хўжалиklarининг улуш кўшиш асосида устав капитали шакллантириладиган кооперативлардир. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган кооперативлар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш унинг барча аъзолари учун манфаатли ҳисобланади. Кооператив икки усулда ташкил этилиши мумкин: биринчи ҳолада у фойда олиш мақсадини кўзламайди, балки кооператив аъзолари саналадиган деҳқон ва фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таннарх баҳосида қайта ишлаб беради. Фермер ва деҳқонлар эса қайта ишланган маҳсулотларни мустақил сотиб юқори фойда олади ва кооперативни сақлаш харажатларининг бир қисмини устав капиталидаги улушига ёки жами қайта ишланган маҳсулотлардаги салмоғига мутаносиб қоплайди; иккинчи усулда фермер ва деҳқонлар хомашёни таннарх бўйича кооперативга сотади, кооператив уларни қайта ишлаб сотади ва олинган фойда таъсисчилар ўртасида устав капиталидаги улушига мутаносиб тақсимланади. Фермер ва деҳқон хўжалиklари бир вақтнинг ўзида кооперативнинг мулкдорлари бўлгани сабабли, улар хомашё ва тайёр маҳсулот сифатини оширишдан манфаатдор бўлади. Шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаб сотиш орқали

кўпроқ фойда кўриш ва занжирда қўшилган қийматни ошириш имконияти яратилади.

Кооперацияга хос бўлган бу ижобий хусусиятлар таъсирида дунё бўйлаб иқтисодий интеграциялашувнинг бу шакли тобора кенг тарқалиб бормоқда. Ҳозирги вақтда жаҳонда 700 миллионга яқин кооперативлар фаолият кўрсатиб, Халқаро кооперативлар альянси 76 мамлакатдан 192 та миллий кооперативлар иттифоқларини ўз ичига олади [22].

Гарчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан 2019-2020 йилларда республикада жами 72 та кооперативлар ташкил этилган ва 2021 йилда яна 100 бирлик ташкил этилиши кўзда тутилган бўлсада, ҳозирча уларни мамлакатимизда кенг тарқалган деб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “етиштириш-сақлаш-қайта ишлаш” занжирида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири – агрокластерлар саналади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу соҳада агрокластерларни шакллантириш бир қатор афзалликларга эга:

- кластерлар агросаноат мажмуасини ривожлантиришда драйвер вазифасини ўташи мумкин. Улар юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш орқали фирмаларнинг бозордаги рақобат устунлигини шакллантиришга имкон яратади [23, - 6 б.];

- кластерлар “Саноат 4.0” концепцияни амалга жорий этишда етакчи механизмлардан бири сифатида катта салоҳиятга эга. Улар технологик жараёнларни жадаллаштириб, бизнесни рақамли трансформациялашувини таъминлайди. Кластер муҳити билимлар алмашинуви, персонал малакасини ошириш, ресурслар билан таъминлаш соҳаларида тармоқлараро интенсив алоқаларни таъминлашга кўмак беради [24, - 72-83 б.];

- кластер доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг концентрациялашуви ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга туртки берувчи синергетик самарани юзага келтиради [25, - 97-104 б.];

- кластерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ягона технологик занжирга бирлашганлиги сабабли фирмалар орасида узоқ муддатли мустаҳкам ва барқарор хўжалик алоқалари шаклланади;

- агрокластерларда меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда

меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;

- агрокластерлар доирасида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацияларни амалиётга жорий этиш жадаллашади;

- агрокластерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги асрлар давомида шаклланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган билим, кўникма ва тажрибалардан самарали фойдаланишга имкон яратади;

- агрокластерда яқуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хомашё сифати ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини назорат қилишдан манфаатдор бўлиб, бу маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади ва бошқалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва саноат усулида чуқур қайта ишлаш занжирида кластер механизмини жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарорида “уруғ-кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортровка қилиш-бозорга етказиш” тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш вазифалари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида пахтачилик, дончилик ва мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги кластерлар учун қатор имтиёзлар жорий этилган. Битта кластер ичида сотиладиган маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи солинмаслиги ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмаслиги, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит

суммасининг 50 фоизи миқдориди кафиллик тақдим этилиши шулар жумласига киради.

Кейинги йилларда республикада клас-терларни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони ошиб, фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда мамлакат агросаноат мажмуасида 96 бирлик пахта-текстил (906 313 га ер майдонига эга), 152 мева-сабзавотчилик (108 943 га ер майдонига эга), 124 дончилик (157 658 га ер майдонига эга) ва 35 шоличилик (43 440 га ер майдонига эга) кластерлари фаолият кўрсатган [26].

Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда агро-саноат кластерларини шакллантириш борасида эришилган натижалар билан бир қаторда, уларнинг барқарор ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам мавжуд. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарори 2-бандида ишлаб чиқарувчиларни кластерларга бириктириш ихтиёрийлик асосида, улар билан қайта ишловчи ҳамда экспортга чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ҳокимият билан маҳсулот етказиб беришга тузилган шартномалар асосида амалга оширилади деб кўрсатилган. Аммо кўп ҳолатларда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фермер хўжаликларини географик жойлашувидан келиб чиқиб ягона кластерга мажбурий бириктириш ҳолатлари кузатилмоқдаки, бу ҳолат уларнинг энг мақбул кластерларни танлаш эркинлигини йўққа чиқармоқда;

- бир ҳудуд доирасида кластерлар сонининг ўта чекланганлиги уларнинг монополь мавқени эгаллашига олиб келмоқда ва бунинг натижасида кластерлар хомашё етказиб берувчиларга ўзларининг манфаатига мос келувчи шартларни ўтказиб келмоқда;

- танлов эркинлигининг йўқлигидан фермер хўжаликларини монополь мавқегга эга кластерларга етиштирган маҳсулотини паст нархларда сотишга мажбур бўлмоқда ва бу ҳолат ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди;

- баъзи ҳолларда кластерлар фермер хўжаликларига топширилган хомашё учун пул ўтказиб бериш муддатларини асоссиз равишда чўзиб юбориб, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллигига путур етказмоқда;

- кластерлар фермер хўжаликларининг барча ишлаб чиқариш жараёнларини назоратга олиш орқали уларнинг хўжалик юртиш муста-

қиллиги ва танлов эркинлигини чегаралаб қўймоқда.

Хулоса ва тавсиялар. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва кузатувлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш занжирида интеграциявий жараёнларни чуқурлаштириш борасида қуйидаги хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини устувор равишда қишлоқ ҳудудларида жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бу бир томондан хомашёни етказиб бериш билан боғлиқ транспорт харажатларини тежаш имконини берса, бошқа томондан хомашёни узоқ масофаларга ташишда юзага келадиган қийинчиликлар ва йўқотишларни олдини олади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарининг интеграцион ҳамкорлигига асосланган тузилмаларни Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб илмий асосда жойлаштириш ва ихтисослаштиришни кучайтириш зарур. Бунда қуйидаги омилларни эътиборга олиш жоиз: ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти ҳамда табиий-иқлим шароитлари; инфратузилмалар, муҳандислик ва транспорт-коммуникация тизимларини ривожланиши ҳолати; аҳолининг мазкур соҳада асрлар давомида тўпланган ва авлоддан-авлодга ўтиб боровчи билим ва кўникмалари; муайян маҳсулот турини етиштириш ва қайта ишлашда ҳудуднинг абсолют ва нисбий устунлиги; бошқа омиллар. Бу ўз навбатида мавжуд ресурсларни оптимал тақсимлаш ва улардан самаралани фойдаланиш имконини беради.

Масалан, Самарқанд вилояти азалдан узум етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида устуворликка эга бўлса, Тошкент вилоятида мева-ларни қайта ишлашдан шарбатлар, вино, коньяк ва бошқа ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича яхши тажриба тўпланган.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигига хомашё сифати ва унинг технологик меъёрларга мос келиши кучли таъсир кўрсатади. Паст сифатли хомашёни ишлатиш ёки уларни сақлаш жараёнидаги йўқотишлар тайёр маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборади. Масалан, Ўзбекистонда етиштирилган кўпчилик мева-сабзавотлар пишиб етилгандан сўнг тез бузилиш хусусиятига эга ва уларни узоқ сақлаш имкониятлари ўта чекланган. Шу сабабдан селекционер олимлар олдида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайта ишлаш талабларига мос келувчи сифатли навларни яратиш вазифаси турибди.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “етиштириш-сақлаш-чуқур қайта ишлаш” техно-

логик занжирида мустақкам ҳамда ўзаро манфаатли интеграцион тузилмаларни шакллантириш ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бу борада истиқболли йўналишлар сифатида кооперация ва агрокластерларни келтириш мумкин.

5. Агросаноат кластерлари ва кооперативлар аъзолари орасидаги хўжалик алоқалари кўнгиллилик ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган шартномавий муносабатлар асосида қурилиши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратишни мақсад қилиб қўйиши лозим.

6. Давлат бир кластер доирасида монополь тузилмалар вужудга келишини чеклаши ва ўзаро соғлом рақобат муҳити шаклланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур.

7. Кластернинг бирламчи бўғинида жойлашган хомашё етказиб берувчи фермер хўжаликларини адолатли суд тизими орқали ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Улар маҳсулот етиштиришни ташкил этишда хўжалик мустақиллигига эга бўлиши ҳамда етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳақ олишлари жоиз. Ресурсларни ёки хомашёни ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва белгиланган сифат бўйича етказиб бермаслик ҳамда етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик ҳолатлари икки томонлама тузилган шартномалар асосида тартибга солиниши зарур (етказилган зарарни қоплаш, жарима ва пенялар тўлаш орқали). Бу тадбирлар кластер ичида нотўловлар ҳамда

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб кетишини олдини олади.

8. Кластер ва кооперацияга асосланган интеграцион тузилмалар таркибидаги қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш, юқори унумли ва ресурс тежамкор инновацион технологияларни жорий этишни жадаллаштириш муҳим вазифалардан саналади. Қайта ишлаш корхоналари асосий фондларининг катта қисми эскирганлиги ва янгиланиш жараёни секин кечаётганини эътиборга олиб, ишлаб чиаришни модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, кластерлар ва бошқа интеграцион тузилмаларни инфратузилмалар билан таъминлашда давлат кўмагини кучайтириш муҳим (йўллар, муҳандислик-коммуникация тизимлари, газ, электр ва сув билан таъминлаш каби соҳаларда).

Бу тадбирларни амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “етиштириш-сақлаш-қайта ишлаш” занжирида қўшилган қийматни ошишига, қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноатини ривожланиши ва янги иш ўринларини яратилишига, хомашёга асосланган иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётга ўтишга, тайёр маҳсулотлар ассортименти кенгайиши ва сифатининг ошишига, қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошишига, тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши ва экспорт салоҳиятини юксалишига замин яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. FAO, 2020. COVID-19 and Risks in the Food Supply Chain: How to respond? www.fao.org/3/ca8388en/CA8388EN.pdf.
2. Мирзияев Ш.М. Глубокая переработка сельскохозяйственной продукции и повышение качества продовольственных товаров. (04.07.2019). <https://president.uz/uz/lists/view/2697>.
3. Кандаурова Н.В. Организационно-экономические основы интеграции сельскохозяйственных и промышленных предприятий // Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. по специальности 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Краснодар-2005. С. 3.
4. Факов А.М. Институциональный механизм формирования интегрированных структур в перерабатывающей промышленности региона (на примере Кабардино-Балкарской Республики). Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. Нальчик-2014. С. 3.
5. Алешина Т.Н. Агропромышленная интеграция в системе АПК. Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. по специальности 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Москва-2010. С. 3.
6. Ғ.Ғ.Ибрагимов. Озиқ-овқат саноатининг трансформациялашуви: назарий қарашлар ва уларнинг мазмун-моҳияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №6, ноябр-декабр, 2020 й. -104 б.
7. Юсупов М.С. Агросаноат интеграцияси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2015. –14 б.
8. Муродов Ч., Хасанов Ш., Муродова М. Агрокластер: ташкил этишининг назарий асослари // Иқтисодиёт ва молия, № 2, 2014. -19-25 б.
9. Эшонкулов С., Урдушев Х. Мева-сабзавот кластерида узум ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишни оптималлаштириш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, № 2, 2019. - 17 б.
10. Мамасолиев Г.М. Озиқ-овқат саноатида қиймат занжирининг шакли ва уни бошқариш хусусиятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, № 6, 2020. - 11 б.
11. Толипова Б.Ф. COVID-19 пандемия шароитида озиқ-овқат саноати учун инвестициянинг зарурати (Ўзбекистон мисолида) // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, № 2, 2020. – 11 б.
12. Собиров Х.Н. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг ҳудудлардаги жойлашуви ва эмперик таҳлили // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, № 6, 2019. - 6 б.
13. Yusupov M. S. Food Security and Sustainable Development of Agriculture in Uzbekistan // Economics and Innovative Technologies. – 2021. – Т. 2021. – №. 3. – С. 17.
14. United Nations, 2015. www.un.org/sustainabledevelopment.

15. ФАО, МФСР, ЮНИСЕФ, ВПП и ВОЗ, (2021). Краткий обзор. Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире – 2021. Преобразование продовольственных систем в интересах обеспечения продовольственной безопасности, улучшения питания и экономической доступности здоровых рационов питания для всех. Рим, ФАО. <https://doi.org/10.4060/cb5409ru>.
16. “BUYUK KELAJAK” ХННТ. Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш Стратегияси. https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035_106-113_b.
17. Global Hunger Index (GHI), 2020. Global Hunger Index scores by 2020 GHI rank. www.globalhungerindex.org.
18. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепцияси. https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035_-113_b.
19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент-2020.
20. Икромхужаев Г.Х., Хафизова З.Х. Фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш долзарблиги ва тўғри ташкил этилиши // “Ахборотнома” илмий-амалий журнали, 2/2019. <http://ab.vgk.uz/node/19>.
21. Pindyck, Robert S., Daniel I. Rubinfeld. Microeconomics. Global Edition. – Copyright 2018, Pearson Education Limited 2018. P. 231.
22. Б.Т. Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви: илмий монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 78 б.
22. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Кооператив>.
23. Жураев Т.Т., Ҳамидов М.Э. Ўзбекистонда агрокластернинг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 2, апрел, 2019 й. -6 б.
24. Götz M. The Industry 4.0 Induced Agility and New Skills in Clusters. Foresight and STI Governance, vol. 13, no 2, pp. 72–83. DOI: 10.17323/2500-2597.2019.2.72.83.
25. Щукина Л.В. Агрокластеры как инструмент обеспечения устойчивого инновационного развития сельского хозяйства региона // Вестник ГГТУ им. П.О. Сухого: научно - практический журнал. - 2014. - № 3. - С.97-104.
26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, 2021. Инфографика. www.agro.uz/uz/media_library/photo_gallery/.

O‘ZBEKISTON SHAROITIDA INTENSIV USULDA BALIQ YETISHTIRISHDAGI MUAMMOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH BO‘YICHA DAVLAT TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLASH YO‘NALISHLARI

Mamatqulov Nurbek O‘razali o‘g‘li -
Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat sohasi iqtisodiyoti ilmiy-tadqiqot instituti stajyor tadqiqotchi

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekiston sharoitida intensiv usulda baliq yetishtirishdagi muammolar, ularni bartaraf etish yo‘llari va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash yo‘nalishlari atroficha yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: texnologiya, hosildorlik, kredit, subsidiya, iste‘mol, tadbirkor, tibbiy norma, intensiv usul, ekstensiv usul, sun‘iy suv havza, tabiiy suv havza, tuproq havzalar, filtratsiya.

ПРОБЛЕМЫ ИНТЕНСИВНОГО РЫБОВОДСТВА В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА И НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ ПО ИХ УСТРАНЕНИЮ

Маматкулов Нурбек Уразали угли -
Научный сотрудник Научно-исследовательского института экономики сельского хозяйства и пищевой промышленности

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы интенсивного выращивания рыбы в условиях Узбекистана, подробно освещены пути их устранения и направления государственной поддержки.

Ключевые слова: технология, производительность, кредит, субсидия, потребитель, предприниматель, медицинская норма, интенсивный метод, экстенсивный метод, искусственный водоем, природный водоем, почвенные бассейны, фильтрация.

PROBLEMS OF INTENSIVE FISH FARMING IN UZBEKISTAN AND DIRECTIONS OF STATE SUPPORT FOR THEIR ELIMINATION

Mamatkulov Nurbek Urazali ugli -
Researcher at the Research Institute of Agricultural Economics and Food Industry

Annotation: This article discusses the problems of intensive fish farming in Uzbekistan, details the ways to eliminate them and the directions of state support.

Key words: technology, productivity, credit, subsidy, consumer, entrepreneur, medical norm, intensive method, extensive method, artificial reservoir, natural reservoir, soil pools, filtration.